O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHI
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
УЧТЕПИНСКОГО
РАЙОННОГО КЕНГАША
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

120/24-II-son «31» «декабр» 2020 yil

Учтепа туманининг 2021 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги KL21130661-сонли хатини инобатга олиб, 2021 йил учун Учтепа тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2021 йил учун Учтепа туман маҳаллий бюджети маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари Учтепа туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи,

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи,

жисмоний шахсларнинг мол-мулкларни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиги,

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно,

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар,

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиги.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Учтепа туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

айланмадан солиқ,

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ,

юридик шахслар ер солиғи,

мобил алоқа хизматлари учун аксиз солиғи ва алкогол маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун аксиз солиғидан тушумлар 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Учтепа туман аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қарорнинг:

- **3-иловасига** мувофиқ, Учтепа тумани маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;

- 2021 йил учун Учтепа тумани маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблагининг энг кам миқдори **1 507 454,0 минг сўм** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2021 йил учун Учтепа тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2021 йил учун Учтепа тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил учун Учтепа туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми **1 115 527 минг сўм** миқдорида белгилансин ҳамда захира жамгармаси маблагларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Учтепа туманининг туман бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар туман Кенгашлари томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилинади.

8. Учтепа туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари:

туман ҳокимлиги ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

туман бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг

натижаларини жойлаштирсин.

9. Учтепа туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг **1-иловасида** келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

10. Учтепа туман ҳокимлиги:

Қонуннинг 24-моддасига асосан, тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини ва мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилишини таъминласин;

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин;

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

12. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Учтепа туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман
Кенгаши раиси ўринбосари **С.Имамов**

Халқ депутатлари
Учтепа тумани Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
120/24-Ў -сонли қарорига
1-илова

2021 йилги Учтепа тумани бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**112 433 967,0**
1	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	9 463 553
2	Акциз солиғи:	52 870 064
3	*Шундан:*	
	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*30 498 672*
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	*14 526 848*
	Уяли алоқа	*7 844 544*
	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	11 598 929
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 288 796
5	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги	10 005 101
6	Юридик шахслардан олинадиган ер солиги	1 631 383
7	Айланмадан олинадиган солиқ	21 522 141
8	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3 170 189
9	Ижарадан тушум (*давлат активларини ижарага бериш хусувсийлаштиришдан*)	883 811

Халқ депутатлари
Учтепа тумани Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
120/24-II -сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Учтепа тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларнинг чекланган миқдори

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2021 йил
Учтепа туман бўйича харажатлари миқдори, Жами:		**112 433 967,0**
Шундан:		
Жорий харажатлар		**112 433 967,0**
1	Халқ таълим соҳаси	11 250 356,0
	жорий харажатлар	*11 250 356,0*
2	Мактабгача таълим соҳаси	15 236 772,0
	жорий харажатлар	*15 236 772,0*
3	Соғлиқни сақлаш соҳаси	49 527 438,0
	жорий харажатлар	*49 527 438,0*
4	Маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаси	1 392 780,0
	жорий харажатлар	*1 392 780,0*
5	Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси	4 166 759,0
	жорий харажатлар	*4 166 759,0*
6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	5 193 948,0
	жорий харажатлар	*5 193 948,0*
7	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглашти-рилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	9 104,0
	жорий харажатлар	*9 104,0*
8	Ижтимоий кўникма маркази	212 987,0
	жорий харажатлар	*212 987,0*
9	Ободонлаштириш соҳаси	12 013 903,0
	жорий харажатлар	*12 013 903,0*
10	Давлат бошқарув органларини сақлаш	6 205 718,0
	жорий харажатлар	*6 205 718,0*
11	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	6 108 675,0
	жорий харажатлар	*6 108 675,0*
12	Заҳира жамгармаси	1 115 527,0

Халқ депутатлари
Учтепа тумани Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
120/24-II-сонли қарорига
3-илова

2021 йилги Учтепа тумани маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

Т/Р	Солиқ турлари	Ажратма меъёрлари (фоизда)
1	*Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ*	*100*
2	*Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)*	*Ахоли жон бошига нисбатан*
3	*Уяли алоқа*	*Ахоли жон бошига нисбатан*
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	10
5	Юридик шахслардан олинадиган ер солиги	10
6	Айланмадан олинадиган солиқ	33
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100